

## ШАХС МАЪНВИЯТИНИ ЎСТИРИЩДА РАҒБАТНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ РАҲБАР МУЛОҚОТ ХУЛҚИДА НАМОЁН БЎЛИШИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-689-696>

**Сидикжон Мирсобирович Муминов**

ФарДУ профессори, филология фанлари доктори.

[siddiqjon.mominov@bk.ru](mailto:siddiqjon.mominov@bk.ru)

**Шерозбек Сиддиқжонович Мўминов**

ФарДУ таянч докторанти.

[sherozbek.mominov@bk.ru](mailto:sherozbek.mominov@bk.ru)

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада разбат ва унинг шахс маънавиятини ўстиришдаги ўрни, ҳар бир раҳбарнинг разбатни қўллаш, унга муносабатдаги ўзига хос томонлари баён қилинган. Разбат, у қандай иши бўлмасин, ўша ишининг самарадорлиги, сифати ва амалий аҳамиятини оширишида, бир сўз билан айтганда, шахс маънавиятини ўстиришида катта аҳамиятга эга эканлиги мисоллар ёрдамида ёритиб берилган.*

**Калим сўзлар:** раҳбар, шахс, маънавият, разбат, мақтоб, ҳушиомад, комплимент, мулоқот, хулқ, сўз, муносабат.

### АННОТАЦИЯ

*В статье описывается роль мотивации и ее роль в развитии духовности личности, применение стимулов каждым руководителем, особенности его отношения к ней. Поощрения применялись для иллюстрации значения всякого труда, то есть для повышения эффективности, качества и практической значимости этого труда, словом, для воспитания духовности личности.*

**Ключевые слова:** лидер, личность, духовность, мотивация, похвала, комплимент, встреча, поведение, слово, отношение.

### ABSTRACT

*The article describes the role of motivation and its role in the development of personal spirituality, the application of incentives by each leader, the specific aspects of his attitude to it. Incentives, no matter what the job, play an important role in increasing the efficiency, quality and practical significance of the job, in a word, in cultivating the spirituality of the person.*

**Keywords:** leader, person, spirituality, motivation, praise, compliment, compliment, meeting, behavior, word, attitude.

## КИРИШ

Арабча сўз бўлиб, “хоҳиш; яхши ният, истак; кизиқтирувчи, кўзғатувчи омил, сабаб; манфаат келтирувчи нарса; инсон ҳис-туйғулари, руҳий ҳолатларини ривожлантирувчи, фаолликка ундовчи руҳий таъсир” [9, 361-362] каби маъноларни англатадиган рағбат ҳар кандай инсон хаётида, айниқса, раҳбарлар фаолиятида катта аҳамиятга эга. Чунки ёши, жинси, лавозими ва бошка ижтимоий белгиларидан қатъи назар ҳар бир инсон бутун ҳаёти давомида муносабатлар куршовида яшайди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Жаҳон тилшунослигида рағбат, ҳушомад “комплимент” термини билан юритилади ва бу тушунчанинг моҳиятини ўрганишга доир кўплаб изланишлар амалга оширилган. Европа тилшунослигида илк бор тил ҳодисаларининг ижтимоий омил билан боғлиқлиги Э. Хоффман, Й. Шмит, Кохен, О. В. Холмес, Р. Баначи, М. Грайн, Ж. Томас, Г. Лич, Б. Фрасер, Р. Ватс тадқиқотларига асосланган бўлса, кейинчалик, бу муаммони ўрганишга рус ва ўзбек тилшунослари ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Тилшуносликнинг бу жабҳаларида тилшунос олимлардан, асосан, Г.С.Шур, Н.С.Валгина, А.Вежбицкая, В.Леонтьев, В.В.Бабайцева, М.Грайнларнинг илмий-тадқиқот ишларини мисол қилиб кўрсатишимииз мумкин.

Мулоқотнинг диалогик нутқ билан боғлиқ ҳолдаги ижтимоий моҳияти ўзбек тилшунос олимлари Ш.Раҳматуллаев, М.Умархўжаев, А.Нурмонов, Н.Махмудов, Ш.Сафаров, С.Мўминов, Ш.Искандарова, Н.Қодировалар ишларida тадқиқ ва тавсиф этилган.

Нутқий мулоқот бирликлари бўйича илк бор изланишлар XX асрнинг бошларидан бошланган бўлиб, бу масала ҳанузгача долзарб мавзулардан бири бўлиб келмоқда. Даставвал “хушомад” атамасини Европада калифорниялик Робин Лакофф тилшунослик лугатига олиб кирган бўлса, инглиз олими С.Левинсон эса нутқий мулоқотнинг универсал кўринишларини тадбиқ этишни амалиётга жорий этди.

Ўзбек тилшунослигида “хушомад” концептига доир тадқиқотлар мавжуд. Хусусан, Х.К.Турдиева, Н.М.Қодировалар бу мавзуда тадқиқотлар олиб борган бўлсаларда, рағбат атамасининг когнитив, прагматик, лингвокультурологик жиҳатлари, айниқса, унинг раҳбар мулоқот хулқида тутган ўрни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Игнанинг ҳасрати” номли шеърида мавзуга доир қўйидаги сатрларни ўқиймиз:

Игна айтар эмиш инсонга,  
Қадримга ет, кўзни оч, дермиш.  
Кийим тикдим жумла жаҳонга,  
Ўзим эса-яланғоч, дермиш.

Асли унга либос нима ғам  
Бу ҳасратнинг сабоғи бордир.  
Шу беминнат игначанинг ҳам  
Раҳматга зор қулоғи бордир [1.43].

Масал услубида бўлган бу шеър мазмунидан келиб чиқадики, ҳар қандай беминнат қилинган фаолиятга ҳам муносабат, рағбат керак бўлади. Ушбу мақола муаллифларидан бири – профессор Сиддиқ Мўминнинг “Муносабат” номли шеърида келтирилган қўйидаги сатрлар бу мавзудаги фикрни янада ойдинаштиришга ёрдам беради:

Сал жиддийроқ ўйлаб қарасак,  
Муносабат дунёси дунё:  
Санъаткорга чалинган қарсак,  
Ўқувчига қўйилган баҳо.

Янги кўйлак кийган қизчага  
Демоқлик шарт: “Жуда ҳам гўзал!”  
Спортдаги илк юлдузчага  
Рағбат берар муҳлис тўла зал.

Чой узатар экан илк бора,  
Титрага келин бармоқчалари.  
Ёш созанда ёқса деб зора,  
Куйга ишқин қўшиб чалади.

Дехқонларни мадҳ этинг дилдан  
Хирмонига тўлганда ғалла.  
Медаль тақиб келса чет элдан  
Мард ўғлонга денг: “Баракалла!”

Дастурхонга тортилган таом  
“Ёқарманми?” дея титраркан.  
Илк ютуғин сезгани замон  
Устоз шогирдини қутларкан.

Муносабат куттар дўстингиз,  
Телефонда йўлласа хабар.  
Четга суріб каму кўстингиз,  
Сиз ҳам йўлланг бирор хушхабар.

Гўзаллиги маълум бўлса ҳам,  
Гўзалларга “гўзал!” деб айтинг.  
Дунё бўлар яна ҳам кўркам,  
Ножоиз сўз айтишдан қайтинг!.. [7]

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, рағбат ёш ҳам, жинс ҳам танламайди. Кундалик турмушда аёллар ширин сўзниң гадоси бўлади, уларга мулойим муомалада бўлиш керак, қабилидаги гаплар кўп гапирилади. Аммо мақтов эркакларга ҳам ёқишлиги кўпам эсланавермайди. Аслида ҳаётга назар ташлайдиган бўлсак, мақтов аёллардан ҳам кўра эркакларга кўпроқ зарурлигининг гувоҳи бўламиз.

Эркак киши дунёга келган чоғида “гўдак” деб аталгани каби, мақтовнинг “болалиги”ни “эркалаш” деб атаемиз. Қарангки, бу сўзниң ўзаги ҳам “эр”дир. Зеро, чақалогининг “эр бўлиб етишишини истаган ота-она уни гўдаклик чоғидан эркалаб катта қилади. Шунинг учун “Хадис”да ҳам: “Кимнинг ёш гўдаги бўлса, унга гўдакларча қилиқ қилиб эркалатсин!” дейилган.

Пайғамбарларимиз ҳадисларини қулоқларига қуйиб олган отабоболаримиз бу кўрсатмаларга катъий амал килганлар ва ўғилларини “Тойчоғим”, “Пахлавоним” деб эркалаганлар. Бу сўзларни эшишиб улғайган ўғиллар ҳам шунга яраша бўлган. Шу боисдан бўлса керак, халқ оғзаки нжодида: “Эркалатсанг, эр бўлади, йўқса қаро ер бўлади”, қўрқитмай ўстирдимботир бўлдингиз” қабилидаги ҳикматли гаплар учрайди.

Мухими, шундаки эркалашнинг афзалликлари фанда ҳам исботланган. Яъни олимларнинг кузатишланга қараганда, эркалашлар оғриқ қолдирувчи восита ҳисобланар экан. Бундай пайтда қон айланиш яхшиланиб, қондаги кислород миқдори 10-15 фоизга ошар, қон босими мўътадиллашиб, нафас олиш

енгиллашар экан. Аммо биз мустабид тузум даврида “эркалаш” сўзига ҳам салбий тус бердиқ, болаларга нисбатан боракалло”, “кўп яшанг” жумлаларини ҳам кам қўлладиган бўлиб қолдик. Бунинг ўрнига болаларни дўқ-пўписа, қўрқитиш, танбех бериш билан тарбиялаш йўлига ўтдик. Ўз ҳолича бирор ишни бошлаган болаларга “Кўй, ундан қилма!” “Кўй бундай қилма!” дейишдан бошқасини билмай қолдик. Натижада болалар чиндан ҳам “кўйга айландилар.”

Болалигидан эркалик нималигини билмаган, аксинча, мустақил бошлаган ҳар бир иши ўша заҳотиёқ тазиикқа учраган ўғил боладан катта бўлганида кандай эркак чиқиши мумкин?! Боз устига, “тeng хуқуқлилик” деган шиор пайдо бўлиб, аксарият ўғил болалар йигит бўлгач ҳам ўз сўзини ўтказолмайдиган бўлиб қолдилар. Энг ёмон томони шундаки, биз тенгликни хуқуқ тенглиги деб эмас, оиласаги вазифа ва бурчнинг бир хиллиги тарзида тушундик. Натижада оиласа аёл эри билан хуқуқ талашадиган, баъзи масалаларда тенгма-тeng олишадиган бўлиб қолди.

Ўзларининг бу феъллари билан аёлларимиз ўтмиш донишмандларидан бирининг “Оқила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулойимликка дуч келмасин” дея қолдирган доно насиҳатларига зид иш тута бошладилар.

– Биласизми, эркак киши қай маҳал кўчага чиқиб кетади? – дейди машхур ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор Кибриё Қаҳҳорова билан бўлган бир галги сухбатда.  
– Агар қидирганини уйидан тополмаса.

Эркак киши уйидан нимани қидириши мумкин? Бизнингча энг аввало, илиқликини, ширин калом ва мулойимликни қидирди. Бунинг учун аёл кишидан озгина диду фаросат билан бир қаторда салгина камтарлик ва эрига нисбатан хурмат маъносидаги итоат талаб этидали, холос. Шарқ аёллари азалдан мана шундай бўлганлар ҳам: “Увайсий, юз жафо кўрсанг, ҳақиқат ёрдин доим” қабилидаги мисралар факат Увайсийгагина тегишли бўлмаганлиги учун ҳам халқ тилидан ҳануз тушмай келаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Зоро, хотин қанча итоаткор бўлса, у шунчалик муҳаббатга сазовор бўлган. Шу боис: “Эрдан садоқат, хотиндан итоат” каби мақоллар дунёга келган.

Шариатимизда итоатли хотинларга “Эзгу хотинлар” исмини бериб амаллари баробарига ҳам кўп савоблар ваъда этилгандир. Итоатсиз хотинларни “ўсал хотинлар” деб атаб, дунёда кўрган машаққатларидан ортиқ охиратда ҳам бир қадар азоблар бўлишидан хабар берилмишdir. Энг муҳими, итоаткор

аёллар бу дунёда ҳам ҳеч нарса ютқизмаганлар, аксинча, жуда кўп нарсаларга мушарраф бўлганлар. Чунки “агар хотин ўз эрига қобилятли, шижаатли, муваффақиятли, мўмин, садоқатли шахс деб муомала қилса, эр худди шундоқ бўлади, иншооллох”. Бунинг ёрқин далили сифатида таниқли шоир ва публицист Карим Баҳриевнинг куйидаги гапларини келтирамиз: “Турмуш ўртоғим Илмира Назрулло қизи мени аслимдан ҳам кўра ақлли деб ҳисоблайди. Унинг бу фикри ёлғон чиқмаслиги учун ақлли бўлишга мажбурман”[8]. Агар бунинг акси бўлса-чи, яъни хотин эрни назар-писанд қилмаса, унинг имкониятларига ишониш, ҳурматини жойига қўйиш ўрнига, сўзини икки қиласидаги, али деса, бали деб турадиган бўлса, эрнинг бурди кетади, эл олдида обрўси тўкилади. Чунки бошқалар олдида, айниқса, хотини, бола-чақалари олдида сўзи ўлган эркакнинг шашти, ғурури ҳам ўлади. Эр йигитнинг уялгани эса ўлим билан тенгдир. Шу боисдан: “Эман дараҳтининг эгилгани – сингани, эр йигитнинг уялгани – ўлгани”, “Йигитнинг сўзи ўлгунча, шайтоннинг бўйни узилсин” қабилидаги дурдана фикрлар яратилган ва худди шунинг учун ҳам ота-боболаримиз аёлларга: “Эрингизга танбех берманг!” дея уқтириб келганлар [6.57].

Мавзу нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, олий ўқув юртидаги оддий гуруҳ раҳбаридан тортиб то Ўзбекистоннинг йирик давлат арбоблари ўз фаолиятларида рағбатга катта эътибор қаратганлари туфайли ўзлари ҳам ҳурмат-эътибор топганларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, ФарДУ профессори А.Мамажонов филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов ҳақида ёзган “Одамий олим” номли мақоласида: “Бир қарашда ўта жиддий, босик ва вазмин киши сифатида кўринадиган Н.Маҳмудовни яқиндан таниган одам унинг табиатан самимий, садоқатли ва бошқаларга нисбатан эътиборли инсон эканлигига гувоҳ бўлади. Шахсан менинг ҳаётимда юқоридаги фикрлар жуда кўп ўз исботини топган... Профессор Н.Маҳмудовнинг таниқли олимлар оламида ажralиб турадиган алоҳида сифатларидан бири шуки, у ҳақиқий одамий олимдир...” [5,41] дея эътироф этган бўлса, айнан мана шу таниқли олим ҳақида Жизах давлат педагогика институти академик лицейи она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Тўлқин Холхўжаев ўзининг “Ёшларнинг севимли мураббийси” номли мақоласида устозининг эътибори, рағбати шогирдларга катта куч бағишлишлiği ҳақида қуйидагиларни ёзади: “...бир куни Гулсара опа қўнғироқ қилиб: “Тўлқинжон, сизни табриклайман, тақризингиз Низомиддин акага яна маъқул келди. Шу йигитнинг тақризи яхши ёзилибти. Фикрлари менга маъқул

келди. Тақриз шунаقا ёзилиши керак”, – деди. Шундан сўнг 11-синф она тили дарслигининг ҳам тақризчисига айландим. Буларнинг ҳаммаси Низомиддин aka Маҳмудовнинг илмли ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашидан эди. Кейин билсам: Низомиддин aka қаерда ўқитувчилар билан бўлиб ўтадиган учрашув ва йиғилишларга борса, у ерда: “Жиззахлик Тўлқин деган йигит бор. Билимли, меҳнаткаш. Ўз фикрини менга бемалол айта олади...” деб мақтар эканлар...” [5,111]

Ҳамма нарсада табиийлик қадрлангани каби, рағбат ҳам сунъийликдан иироқ, табиий бўлгандагина мулокотдаги ўз вазифасини адо этади – тингловчига куч-қувват бағишлиб, янги марралар сари илҳомлантиради. Акс ҳолда, у тингловчининг энсасини қотиради, ғашини келтиради.

ЎзА мухбири атоқли давлат арбоби, таникли ёзувчи Шароф Рашидовнинг укаси – адабиётшунос олим, профессор, таржимон Асил Рашидовдан олган интервьюсида А. Рашидов томонидан билдирилган куйидаги фикрлар фикримизни тасдиқлайди: “...Бир гал қизиқ воқеа айтиб берган: аллақайси бир туманга борса, фирмә ташкилотининг биринчи котиби акамни янги асар ёзгани билан ҳаддан зиёд қутлайверади: «Зўр асар ёзибсиз-да, Шароф Рашидович, туни билан ўқиб чиқиб, маза қилдим...». Акам камтарона раҳмат айтиб қўяди. Қараса, хушомаднинг охири кўринмаяпти. Сўнг котибдан «Қайси асарни ёзган эканман?», – деб сўраб қолади. Шунда у акамнинг асарларидан лоақал биронтасини айтиб бера олмай мулзам бўлади.” [9].

## ХУЛОСА

Рағбат мулокот жараёнида ўзига хос ўринга эга бўлган, шахс маънавий камолотини ўстиришда катта аҳамият касб этадиган мулокот узвларидан бири. Бу мавзуда жаҳон, рус, ўзбек тилшунослигида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ёши, жинси, касб-кори ва бошқа ижтимоий белгиларидан қатъи назар, ҳар бир жамият аъзоси рағбатга эҳтиёж сезади. Ҳамма соҳада бўлгани каби рағбатда ҳам табиийлик, самимийлик қадрланади.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир фаолият соҳиби, айникса, раҳбарлар ўз фаолиятларида ўз қўл остидаги ходимларини рағбатлантириб боришни унутмасликлари керак. Рағбат у қандай бўлмасин, ўша иш самарадорлигини, сифатини оширади. Шу жиҳатдан у шахс маънавий камолотини ўстиришда катта аҳамиятга эга.

## REFERENCES

- Вохидов Э. Янги шеърлар. – Тошкент: Шарқ, 2014.

2. Муминов, С., Эҳсонова, М. (2021). Linguapoetic features of English derivations in literary text. Международный журнал языка, образования, перевода, 4(2), 90-67.
3. Mo‘minov, Sh.S. (2022). Memuar, bag‘ishlov va marsiyalarda rahbar muloqot xulqiga xos qirralarning namoyon bo‘lishi. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 689-694.
4. Мўминов, Ш.С. (2022). Раҳбар нутқининг таъсир ўтказиш усуслари. Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS), 418-426.
5. Олиму илму амал...(профессор Низомиддин Махмудов замондошлари нигоҳида) – Тошкент: Fan ziyosi, 2021.
6. Сиддиқ Мўмин. Мулоқот мезони. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.
7. Сиддиқ Мўмин. “Муносабат” // Ruxsor radiosi, 2022 йил, 7 март.
8. <https://uza.uz/uz/posts/-ani-meni-bir-ma-tang--28-04-2020> (мурожаат санаси 14.04.2022)
9. <https://daryo.uz/k/2017/06/18/asil-rashidov-akam-sharof-rashidov-hududlardagi-rahbarlar-kitob-oqiganini-bilsa-yuz-kozi-yashnab-ketardi> (мурожаат санаси 14.04.2022)
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. Учинчи жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2007.
11. Saifnazarov, I., Xujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. Экономика и социум, 2, 55-57.
12. Саифназаров, И., Обидов, А. (2019). Динлааро ҳамжиҳатлик - ижтимоий барқарорлик омили. - Тошкент : Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, - 142 б.
13. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.